

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил август ойининг 15 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очик, сайёр суд мажлиси Ургут тумани, “Дехқонобод” МФЙ биносида бўлиб, суд раиси Ф.Худайбердиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси П.Рахмоновнинг котиблигида, Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Фармонов, судланувчи Б.Абдувалиев ва унинг ҳимоячиси Ургут туманидаги “Маъдиев Ғанихон” адвокатлик фирмаси адвокати С.Нуруллаев, жабрланувчи Э.Турсуновларнинг иштирокида,

Абдувалиев Баҳрон Бектош ўғли (Abduvaliyev Bahron Bektosh o'g'li) – 2003 йил 05 август куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Самарқанд вилояти, Ургут тумани, “Дехқонобод” маҳалласида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 16 июль куни олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан судланувчига оид 1-1416-2201/243-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Абдувалиев Баҳрон Бектош ўғли – 2022 йил 16 май куни соат тахминан 19:30ларда ҳамқишлоғи 1960 йилда туғилган Турсунов Эгамберди Худойбердиевичнинг яшаш хонадонига бориб, ўрталарида илгаридан мавжуд бўлган ўзаро келишмовчиликлар оқибатида, тан жароҳати етказиш мақсадида ҳамқишлоғи Э.Турсуновни ўтирган хонасига кириб бориб уни танасининг бош ва юз соҳаларига оёқ-қўллари билан уриб, унга қасддан ўртача оғир шикаст етказган.

Ургут туман суд-тиббий экспертиза бўлинмасининг 2022 йил 30 июнь кунидаги 163-сонли тирик шахсга оид хулосасига кўра, Турсунов Эгамбердини танасида, яъни чап кўз атрофи, бурун, ўнг ёноқ соҳаларида қонталашлар, чап кўз оқиш пардасига қон қуйилиш, бош миянинг чайқалиши, бурун суягининг синиши, чап гайимор бўшлиғини олдинги ва орқа деворининг синиши каби тан жароҳатлари мавжудлиги, улар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида етказилганлиги, ушбу тан жароҳатлар унинг соғлигини йигирма бир кундан кўп, аммо бир юз йигирма кундан



кам бўлган муддатга бузилишига сабаб бўлишини, шунинг учун “ЎРТАЧА ОҒИРЛИҚДАГИ ШИКАСТ” гуруҳига кириши, етказилган вақти жароҳатларни хусусиятларига кўра қарорда кўрсатилган ва тиббий баёнда ҳамда текширилувчини ўзи айтган муддатга, яъни 2022 йил 16 май кунига тўғри келиши кўрсатилган.

Судга судланувчи Б.Абдувалиев ва жабрланувчи Э.Турсуновлар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Судланувчи Б.Абдувалиев сайёр суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Э.Турсунов сайёр суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Б.Абдувалиевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Э.Турсуновни ҳамда судланувчи Б.Абдувалиевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда ўрганиб, Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Фармонов, судланувчи Б.Абдувалиевнинг ҳимоячиси адвокат С.Нуруллаевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчига ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчини хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, Б.Абдувалиевга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлиги муносабати билан тугатишни, қўлланилган эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топади.



Шу билан бирга, суд жабрланувчи Турсунов Эгамберди Худойбердиевичга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг унга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Судланувчи Абдувалиев Баҳрон Бектош ўғли (Abduvaliyev Bahron Bektosh o'g'li)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Турсунов Эгамберди Худойбердиевичга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач судланувчи Абдувалиев Баҳрон Бектош ўғли га нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

Ф.Ф.Худайбердиев



Ҳужжат имзолаган: Худайбердиев Фарход Фармонович, 15.08.2022



Ҳужжат имзолаган: Худайбердиев Фарход Фармонович, 15.08.2022

